

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ШОРИ БЕРДАҚ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ ИНСТИТУТ ЁШЛАРИ ЎРТАСИДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ – ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛИ

**Алимова Мухиба Музаффаровна,
Ахмедова Муборак Ахмедовна**

*Тошкент педиатрия тиббиёт институти
Ўзбекистон, Тошкент ш.*

Аннотация: Мазкур мақолада Бердақ ижодий меросини институт ёшлари ўртасида тарғиб қилиш ҳозирги мураккаб замонда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш самарали таъсир кўрсатиши баён этилган. Шунингдек, тарғиб қилишнинг самарали усулларида тиббий таълимда қўлланилиши баён этилган.

Калит сўзлар: Тенглик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, тарғиб, умуминсоний қадрият, миллий қадрият, маънавий мерос

ПРОПАГАНДА ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ КАРАКАЛПАКСКОГО НАРОДНОГО ПОЭТА БЕРДАХА СРЕДИ МОЛОДЁЖИ – ФАКТОР ДУХОВНОГО ПОДЪЕМА МОЛОДЁЖИ

**Алимова Мухиба Музаффаровна,
Ахмедова Муборак Ахмедовна**

*Тошкент педиатрия тиббиёт институти
Ўзбекистон, Тошкент ш.*

Аннотация. В данной статье констатируется, что пропаганда творческого наследия Бердака среди молодежи института эффективно влияет на подъем духовности молодежи и воодушевление ее на благородные цели. Также констатируется, что одним из эффективных методов продвижения является его использование в медицинском образовании.

Ключевые слова: равноправие, гуманизм, патриотизм пропаганда, общечеловеческие ценности, национальные ценности, духовное наследие.

PROMOTION OF THE CREATIVE HERITAGE OF THE KARAKALPAK FOLK SONG BERDAK AMONG THE YOUTH OF THE INSTITUTE – A FACTOR IN RAISING THE MORALE OF THE YOUTH

Alimova Mukhiba Muzaffarovna
Akhmedova Mubarak Akhmedovna
Tashkent Pediatric Medical Institute
Uzbekistan, Tashkent

Abstract. *In this article, it is stated that the promotion of Berdaq's creative heritage among the young people of the institute has an effective effect on raising the spirituality of young people and inspiring them to noble goals. It is also stated that one of the effective methods of promotion is its use in medical education.*

Key words: *Equality, humanity, patriotism, promotion, universal value, national value, spiritual heritage*

КИРИШ

Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 20 майда Миллий боғдаги “Адиблар хиёбони”га ташрифи вақтида Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очиқ дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди. Хиёбон билангина чекланиб қолмасдан, адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлиги таъкидланди. Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш, Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратиш, нафақат юксак малакали кадрларни, балки юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган ёшларни тарбиялашдан иборатдир.

ИШНИНГ МАҚСАДИ

Адабиётлар билан ишлаш, манбаларни ўрганиш ва маълумотлар таҳлили орқали тиббий таълимда лойиҳавий ўқитиш технологиясидан фойдаланиш масалаларини ёритишдан иборат.

УСУЛЛАР

Адабиётлар билан ишлаш ва назарий таҳлил.

Олинган натижалар муҳокамаси. Олий тиббий таълимнинг устувор усулларида бири талабаларда юксак маънавий фазилатларни аждодлар ижодий меросини ўрганиш тарғиб қилиши орқали шакллантириш

Ўзбекистон Миллий боғи мустақиллик йилларида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан тобора чирой очиб бормоқда. Қайд этиш

лозимки, 1991 йили Миллий боғ ҳудудида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали барпо этилиб, ўтган давр мобайнида улуғ аждодимиз тараннум этган юксак гуманистик ғояларга ҳамоҳанг равишда, аниқ меъморий режа асосида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ушбу ҳудудда 2007 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор, 2010 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек, 2013 йили Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотираларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилди.

Миллий боғни халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этилди. Шу боис Адиблар хиёбонини ғоявий-бадий жиҳатдан янада бойитиш мақсадида Бобур, Огаҳий, Бердақ, Муқимий, Фурқат, Бехбудий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий, Тўлепберген Қайипбергенов, Ибройим Юсупов, Александр Файнберг сингари атоқли намояндалар хотирасига бағишланган янги ёдгорлик мажмуалари ҳам яратилди. Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 20 майда Миллий боғдаги “Адиблар хиёбони”га ташрифи вақтида Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди. Хиёбон билангина чекланиб қолмасдан, адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлиги таъкидланди. – Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз, – деди Шавкат Мирзиёев

Жумладан юқоридаги қарорлар асосида Тошкент Педиатрия тиббиёт институтига ҳам Қорақалпоқ халқ шоири Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақнинг ижодий меросини ўрганиш тарғиб қилиш вазифаси берилди.

Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ 1827 йили Орол денгизи жанубидаги Оққалъа овули (ҳозирги Муйноқ тумани) камбағал оилада дунёга келган. Аввал овул мактабида, сўнг мадрасада таҳсил кўрган. Алишер Навоий, Ғафур Ғафуров, Махтумқули ва қорақалпоқ шоири Кунҳўжа асарларини чуқур мутолаа қилган, улардан ўрганган. У тарихни ва халқ, оғзаки ижодини яхши билган. Бердақнинг лирик шеърларида, дostonларида қорақалпоқ халқининг 18–19-асрлардаги ижтимоий ҳаёти ўз

ифодасини топган. У ўз даври воқеаларига, ижтимоий муносабатларга зукко шоир сифатида баҳо беради. Асарларида тенглик, инсонпарварлик, адолат ва ватанпарварлик ғоялари илгари сурилади. Бердақ ижодида меҳнаткаш халқнинг аҳволи асосий мавзудир (“Бўлган эмас”, “Солиқ”, “Бу йил”, “Умрим” ва б.). Шоир қақиқат учун, меҳнаткаш омманинг бахти ва келажаги учун фидокор курашчиларни орзу қилади (“Халқ учун”, “Менга керак” ва б.). Тарихни мавзудаги “Авлодлар”, “Омонгелди”, “Азадосбий”, “Эрназарбий” асарларида шоир халқ қахрамонларипи фахр билан куйлайди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда бошқа таваллудининг 170 йиллиги кснг нишонланди (1998). Тошкент шаҳридаги хиёбонлардан бирига бошқа номи берилди ва бюсти ўрнатилди. Шоир туғилган жой – Бўзатовда ҳам бюсти ўрнатилган (1998). Нукус шаҳрида Бердаққа ҳайкал қўйилган, муסיқали драма театри, кўча ва мактабга бошқа номи берилган.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтига ҳам Қорақалпоқ халқ шоири Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақнинг ижодий меросини ўрганиш тарғиб қилиш вазифасининг ижросини таъминлаш мақсадида институтда

Тошкент педиатрия тиббиёт институтига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Қорақалпоқ халқ шоири Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш мақсадида кўрсатма ва топшириқлар берилди. Институтда шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш мақсадида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ талаба-ёшларни ўқув йили давомида Адиблар хиёбонига ташрифларини уюштириш, бевосита Адабиёт дарсларини боғда ташкил этиш, шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган маърифий тадбирлар ўтказиш дастурга киритилган.

Бу эса талабаларни Ватанга садоқат, аждодларга ҳурмат ва эҳтиром фазилатларини янада кучайтиради. Институт кафедралари томонидан Адиблар хиёбони Бердақ хайкали олдида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келишмоқда. Талабалар турар жойларидаб мактаб академик лицей, клиника ва ҳарбий қисмларда тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказб келинмоқда. Институтнинг профессор ўқитувчилари ва талабалари томонидан Тошкент шаҳри маҳаллаларида “Халқ дарди билан яшаган Бердақ” мавзусида тарғибот тадбирлари ташкил этишди. Тадбирларда тақдимот ва видеороликлар намоиш этилди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти Қорақалпоқ халқ шоири Бердақ ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ва абадийлаштириш мақсадида 2022 йил 11 ноябр куни халқаро онлайн ва офлайн семинарлар ташкил этди. Профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ўртасида махсус стипендия ва кўкрак нишони соҳиблари аниқланди. Жумладан, 2020–2021 йилларда Бердақ номидаги кўкрак нишонига профессор ўқитувчилардан доцент Курамбаева Гуландом, ўқитувчилардан Акбарова Мурувват, Жўрақулов Жамол, Ҳакимов Ғайрат, талабалардан 303 гуруҳ 1-педиатрия факультети талабаси Эркинова Шахноза, махсус стипендияга эса 207 гуруҳ 1-педиатрия факультети

талабаси Исматов Достон, 202 гуруҳ Тиббий педагогика ва Даволаш иши факультети талабаси Дўсмуродова Феруза, 313 гуруҳ 1-педиатрия ва халқ таъбири факультети талабаси Махмасоатова Фаёза, 201 гуруҳ 2-педиатрия ва тиббий биология факультети талабаси Жўраева Марварид, 207 гуруҳ Тиббий педагогика ва Даволаш иши факультети талабаси Юлчиев Шукруллолар сазовор бўлдилар.

Адиблар хиёбони ва институтда Бердақ ҳаёти ва ижодини акс эттирган инфо-дастур яратилди. Институтда Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ ҳаёти ва ижодини абадийлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича расмий фотоальбом чиқарилди ва вазирликка тақдим этилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида Адиблар хиёбонидаги бу: ок сиймо Бердақ атрофида 2022/2023 ўқув йилида адабий маънавий-маърифий тадбирларни Режа-жадвали ташкил этилди. Ушбу режа-жадвал асосида 2022 йилнинг сентябрь октябрь ноябрь ойларида институтнинг барча кафедралари

Адиблар хиёбонидаги Бердақ хайкали олдида талабалар иштирокида унинг ижоди ва ҳаётига бағишланган маънавий маърифий тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирларда ТошПТИ адабий маслаҳатчи Чориева Дилафрўз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ҳарбий ватанпарварлик ва ўқув-методика бўлими раҳбари, шоира Маъмура Зоҳидовалар иштирокини таъминлаб улар томонидан “Тонг юлдузи” газетасида 205-ИДУМда ўтказилган Бердақнинг 195 йиллигига бағишланган тадбири ёритилди.

2022 йил 11-ноябрь куни ТПТИда “Қорақалпоқ халқ шоири Бердақ асарларида – Халқ дарди, инсон қадри тамойилларининг ўрни” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди. Конференцияга ТВ ташкиллаштирилди ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари жалб этилди.

Конференцияда Бердақ таваллуд топган кунининг 195 йиллиги муносабати билан ташкил этилган халқаро конференция ҳам шулар жумласидандир. Конференцияда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Ажиниёз номидани Нукус давлат педагогика институти нинг профессор-ўқитувчилари томонидан “Бердақ мерослари – маънавий хазинамиз асослари”, “Бердақ ижодида диний тушунчалар”, “Бердах-выдающийся каракалпакский поэт”, “Бердақ ижоди ёшларга ибрат” ва “Бердақ ижодининг долзарблиги” каби мавзуларда маъруза ва тақдиротлар қилинди. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2020/2021 ва 2021/2022 ўқув йилларида махсус стипендия ва кўкрак нишони совриндорлари бўлган талаба-ёшлар Бердақнинг “Ахмоқ пошшо” асаридан саҳнақўринишлари ва куй-қўшиқлар ижро этилди. Ушбу конференция “Маданият ва Маърифат” каналида ёритилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти тьюторлари томонидан талабаларнинг қишки таътилдаги бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда ёшлар маънавиятини юксалтириш мақсадида “Бердах ҳаёти ва

ижоди” мавзусидаги онлайн слайдлар танлови ғолиблари аниқланди сертификатлар совғалар билан тақдирландилар.

Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича мунтазам равишда талаба ёшлар ўртасида тарғибот ишлари давом этади ва амалга ошириш учун институт раҳбарияти Ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий ишлар бўлими, Ёшлар иттифоқи ҳамкорликда ишлар олиб борилади.

Бердақ ижодий меросида инсонпарварлик, тенглик, сахийлик, адолат, ватанпарварлик, меҳр-шафқат, қаҳрамонлик ва мардлик, мустақиллик, миллий озодлик ва ҳақиқат учун кураш, меҳр-муҳаббат каби умуминсоний ва миллий қадриятлар ўз аксини топганлиги талаба ёшларнинг маънавий дунёқарашини янада юксалишига ёрдам беради.

Хулоса. Демак, Бердақ ижодий меросида инсонпарварлик, тенглик, сахийлик, адолат, ватанпарварлик, меҳр-шафқат, қаҳрамонлик ва мардлик, мустақиллик, миллий озодлик ва ҳақиқат учун кураш, меҳр-муҳаббат каби умуминсоний ва миллий қадриятлар ўз аксини топганлиги талаба ёшларнинг маънавий дунёқарашини янада юксалишига ёрдам беради ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шавкат Мирзиёев 2017 йил 20 майда Миллий боғдаги “Адиблар хиёбони”даги нутқи. Тошкент “Ўзбекистон”. 2020й.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атоқли адиблар ва мутафакирларимиз ижодий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида “ги 24.08.2020 йилдаги 502 сонли қарори. Тошкент. “Ўзбекистон”
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” 14 сентябрь 2016 йил.
4. Шойимова Ш.С. Мутахассис шахсининг касбий камолоти масалалари. Интернаука №19 (195), часть 6, 2021 г. С 19-21.
5. Шойимова Ш.С., Пулатхонова Д.Т. Основные этапы становления личности профессионала. Международный научно-практический журнал «Мир педагогики и психологии». №2 (7), 2017 й., с. 14 – 18.
6. Шойимова Ш.С., Расулова З.С., Курбонова Г.Б. Касбий- педагогик фаолият структурасининг психологик хусусиятлари. «Интернаука»: научный журнал – № 20(54). – М., Изд. «Интернаука», 2018 йил, г. Москва. 61-63 бетлар.
7. Шойимова Ш.С., Шойимова Ш.С. Бўлажак мутахассисларни психологияга оид билимлар билан қуроллантириш масалалари. Интернаука. Научный журнал № 10(233) Март 2022 г. Часть 5. С 20-22.

8. Шойимова Ш.С., Шорустамова М.М. Типологические особенности личности в контексте личностно – ориентированного обучения. Интернаука. Научный журнал № 35(258), 2022 г. С 42-44.

9. Kuyliyev, B. T. (2020). RESEARCH OF STATE AND SOCIETY CATEGORIES IN THE FIELD OF SOCIAL SCIENCES. ДИСТАНЦИОННЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ И ДОСТИЖЕНИЯ НАУКИ, 144.

10. KUILIEV, B. (2021). CHARACTERISTICS OF CONVERGENT POLITICAL MANIPULATION TECHNOLOGIES USED ON THE INTERNET. Вопросы политологии, 11(6), 1783-1790.

11. Ахмедова, Муборак, Мухиба Музаффаровна Алимова, and Муяссар Жамолиддиновна Каримова. "Современные аспекты роли развития духовности в воспитании подрастающего поколения." Молодой ученый 6 (2014): 863-865.

12. Rasulovich, Turaev Samat, et al. "Forms and Characteristics of Virtual Spiritual Threats." Telematique (2022): 7146-7155.

13. Сагатова, Зиёда Бахтияровна. "ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ ХУСУСИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР: Сагатова Зиёда Бахтияровна Тошкент тиббиёт педиатрия институти "Ижтимоий фанлар, педагогика ва психология" кафедраси ўқитувчиси." Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал 1 (2023): 20-22.

14. Мирзаева, Наргиза Асраровна, and Шахло Рузматовна Мирзаева. "Характерные особенности психического развития подростка." Научный аспект 1-2 (2015): 157-159.